



## Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясининг БАЁНОТИ

Сўнги вақтда жаҳонда, шу жумладан, қўшни давлатларда карантин чекловларининг амал қилиш мuddати узайтириб борилаётганлиги, шунингдек янги – 2021 йил кириб келаётганлигини инобатга олиб, эпидемиологик вазиятнинг барқарорлигини сақлаб қолиш мақсадида Республика махсус комиссиясининг қарори қабул қилинди.

Унга кўра:  
– вазирлик, идоралар, давлат улуши бўлган корхоналар ва бошқа ташкилотларга турли хил корпоратив байрам тадбирлари ташкил этиш тақиқланди;  
– вазирлик, идоралар, давлат улуши бўлган корхоналар ва бошқа ташкилотларга корпоратив байрам тадбирларидан тежаб қолинган маблағларни таълим, соғлиқни сақлаш, меҳрибонлик уйлари ва бошқа ижтимоий соҳаларга йўналтириш тавсия этилди;  
– юқоридаги чеклов ресторани, кафе ва бошқа умумий овқатланиш объектларида 30 кишидан ошмаган ҳамда санитария-гигиена ва карантин талабларига қатъий риоя этган ҳолда байрам тадбирларини ўтказишга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланди;  
– мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари ҳамда олий таълим муассасаларида тарбияланувчилар, ўқувчилар ва талабалар иштирокида ёпиқ биноларда турли байрам тадбирлари ва кечаларини ташкил этиш ва ўтказиш тақиқланди;  
– фуқароларга янги 2021 йил байрами тадбирларини оила даврасида ўтказиш тавсия этилди;  
– янги йил байрами муносабати билан болажонлар учун мўлжалланган «Президент арчаси» байрам тадбирлари фақатгина меҳрибонлик уйлари

ва болалар шаҳарчалари тарбияланувчилари учун ўтказилиши белгиланди, бунда тарбияланувчиларнинг биргаликда бир масканда истиқомат қилиши инобатга олинди;  
– вилоятлар, туманлар марказлари ва шаҳарларда яриқ осмон остида арчалар ўрнатиш тавсия этилди;  
– вазирлик, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари янги – 2021 йил байрами тадбирларини оила даврасида ўтказиш учун ходимларга зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрадилар:

– ресторан, кафе, чойхона ва бошқа умумий овқатланиш шохобчаларида карантин чекловларига (мижозларни жойлаштиришда ижтимоий масофани сақлаш, тиббий ниқобдан фойдаланиш, 30 кишидан ошмаган ҳолда тўй ва оилавий маросимларни ўтказиш, шунингдек, дезинфекция ишларини амалга ошириш) қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш бўйича масъул идораларга тегишли топшириқ берилди.  
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларини ҳамда коронавирус инфекциясига қарши курашиш борасидаги хорижий мамлакатлар ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда жамоат жойларида ниқобдан фойдаланиш бўйича тарғибот ишларини кучайтириш назарда тутилди.



Бунёдкорлик

## Давлат хизматлари маркази: БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

Қибрай туманида Давлат хизматлари маркази фойдаланишга топширилди.

Марказда аҳолига бир вақтнинг ўзида 150 га яқин тезкор, қулай, шаффоф давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилган. Электрон навбат олиш учун инфокиоск, 26 та қабул ойнаси, кутубхона, болалар майдончаси,

ошхона, туман адлия бўлими, инвесторлар учун алоҳида хона, банк шохобчаси ташкил этилди. Электрон навбат тизими 8 та мониторинг акс этиб туради. 4 та ўз-ўзига хизмат кўрсатиш учун махсус бурчак ҳам ташкил этилган. Марказ биносидан Бош вази

рлик субъектларига жорий йилнинг шу кунига қадар жами 44 минг 252 та давлат хизмати кўрсатилди. Янги бинода аҳолига хизмат кўрсатиш сифати янада ошади.

Ғуломжон МИРАХМЕДОВ,  
«ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Ташаббус

## Соғлом ҳаёт ва тетик фаолият учун

Самарқанд вилоятида касаба уюшмалари карантин талабларига риоя қилган ҳолда мусобақалар ташкил этмоқда. Биргина шу ойда 20 га яқин спорт мусобақаси уюштирилди.

Хусусан, ҳудуддаги маданият муассасаларида ишловчи хотин-қизлар ўртасида бир неча босқичли волейбол беллашувлари ташкил этилди. Бундан ташқари, ташкилот, корхоналар ходим-

лари ўртасида уч босқичли мини-футбол баҳслари ўтказилди. «Касаба уюшмалари кубоги», «Раҳбар кубоги» мусобақаларида 508 нафардан ортиқ ходимлар иштироки таъминланди.

Бутун вилоят ҳудудини қамраб олган «Саломатлик учун 5 минг қадам» марафони меҳнат жамоалари учун ибратли ташаббус бўлди. Ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида ишловчи 5000 минг нафардан зиёд касаба уюшмалари аъзолари ушбу тадбирда фаоллик кўрсатишди.

Жорий йилда Тойлоқ тумани болалар ва

ўсмирлар спорт мактабида регби бўйича семинар ва машғулотлар ўтказилиб, унда 110 нафар спортчи ва ҳавасмандлар иштирок этди.

Бундан ташқари, «Футболимиз келажиги» шиори остида турли беллашувлар ташкил этилмоқда.

Бахтиёр ТУРОПОВ,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш ишлари бошқармасининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



Сирдарё вилояти

Гулистон шаҳридаги «Гулистон экстрактёғ» АЖда ўртача 650-700 нафар ходим меҳнат қилади. Меҳнат жамоасининг 2019 йил 28 мартда бўлиб ўтган конференциясида 2019-2021 йиллар учун имзоланган жамоат шартномасининг 13-бўлими, 4-бандида иш берувчи зиммасига аъзолик бадалларининг ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан корхона бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан мунтазам равишда тўланиб борилиши мажбурияти юкланган эди.

Шунга қарамай, негадир, корхона бухгалтерияси 2019 йилнинг июнь ойидан 2020 йилнинг июнь ойига қадар ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган 122,8 миллион сўмлик аъзолик бадалини бошланғич касаба уюшма кўмитасининг банкдаги ҳисобрақамига ўтказмаган. Натияжада, жорий йилга мўл-

жаллаб тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасида кўрсатилган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини амалга оширишнинг имкони бўлмади.

Савол туғилади: бу қарздорлик қандай юзага келди? Уни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилади?  
Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Меҳнат-кашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш» бўлими бошлиғи Дилмурод Пирманов ҳолатга қуйидагича муносабат билдирди:

– Корхона ходимларига ҳисобланган иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмаси аъзолик бадалларининг ўз вақтида тўланиши юзасидан Агротранс порт мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан мунтазам мониторинг ишлари йўлга қўйилган, бу борада иш берувчи билан кўплаб музокаралар олиб борилган. Музокаралар жараёнида иш берувчининг қарздорликни ихтиёрий

равишда тўлаб берилиши тўғрисидаги таклифига биноан унга бир бор имкон берилди. 2020 йилнинг 7 июль санасида юқори касаба уюшма органлари (ВКУТБ) билан келишиб, қарздорликни қисқартириш бўйича иш берувчи томонидан Йўл харитаси ҳам тасдиқланган, лекин корхонанинг молиявий аҳволи яхши бўлмагани, банкдаги ҳисобрақамда бўш айланма пул маблағи йўқлиги сабабли бошланғич касаба уюшма кўмитасининг ҳисобрақамига пул маблағи ўтказиб берилмади.

Шундан сўнг, бўлимнинг амалий ёрдами билан бирлашма номидан Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига ариза билан мурожаат қилинди. Суднинг қарори МИБ Гулистон шаҳар бўлимига ижро учун юборилди.

Суд ҳукми чиқарилганига ва у МИБга ижро учун жўнатилганига бир ой вақт ўтган бўлса-да, ижроси корхонанинг банк ҳисобиди бўш пул маблағи бўлмагани сабабли таъминланмай қолди. Бирлашма ходимлари-

нинг ташаббуси билан бирлашма расми номидан 2020 йилнинг 2 ноябрь кунини ижроти корхонанинг мулки ва моддий товар бойликлари қаратиш юзасидан ариза билан мурожаат қилинганидан кейин МИБ томонидан корхонанинг тайёр маҳсулотлари (товар моддий бойликлари) хатланди ва товар хомашё биржаси орқали сотилиб, бошланғич касаба уюшма кўмитасининг банкдаги ҳисобрақамига 103 миллион сўмлик аъзолик бадаллари тушириб берилди. Қарздорликнинг қолган қисмининг ҳам ундириш жараёни давом этмоқда.

Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходимларининг сайё-ҳаракатлари билан қонун устуворлиги таъминланди ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан режада белгиланган тадбирларнинг тўлақонли амалга оширилишига имкон яратилди.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан вилоят «Агротехмехиома» ва унинг 10 та тар-

## Жамоатчилик назорати

моқ корхоналари томонидан бир неча йиллардан бери бошланғич касаба уюшма кўмитасининг банкдаги ҳисобрақамига ўтказилиши кечиктирилган қарийб 370 миллион сўмлик ходимларнинг 1 фойзлик аъзолик бадалларини суд тартибиди ундириш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Тизим корхоналари ва бошланғич касаба уюшма кўмитаси ўртасида икки томонлама солиштирма далолатномалар тузилиб, иш берувчиларга қарздорликни ихтиёрий тугатиш лозимлиги, акс ҳолда суд ҳукми тартибиди ундирилиши мумкинлиги юзасидан талабномалар жўнатилди.

Эътироф этиш керакки, шу кунга қадар амалиётда юқоридаги каби «Жамоавий меҳнат низолири» бўйича Фуқаролик ишлари бўйича судларга бирор маротаба аризалар киритилмаган экан.

Озода МАМАДАЛИЕВА,  
«ISHONCH»



Давлатимиз раҳбари «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.



Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллабай тизимда йўлга қўйилган ислохотларнинг одамлар ҳаётидаги ифодасини кўриш, навбатдаги режаларни белгилаш, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари фаолияти билан танишиш мақсадида 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятида бўлди.

Декабрь ойининг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини мамлакатимизда кенг нишонланди. Шу муносабат билан Президентимиз Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига табрик йўллади.


Вазирлар Мақомадининг «2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов Италия ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазири Луижиди Майо билан видеоконференция шаклида музокара ўтказди.



«Ихтисослашган болалар кўнгилочар-маърифий телеканални ташкил этиш тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, Ихтисослашган болалар кўнгилочар-маърифий «Aqlovo» телеканали ташкил этилди.



Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Умоннинг Султон Қобус университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.



Россия Федерацияси Давлат фильм фондида сақланган «Келинлар қўзғолони» ва «Ачиқ дақ» фильмлари ҳамда 60-йилларнинг 9 та мультпликацион фильмни эталон негативларидан рақамлаштирилиб, Ўзбекистонга қайтарилди.

Қозғоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасида Қозғоғистон Республикаси мустақиллиги кунига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 15-18 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида аънанавий маданий мерос ҳафталиги ва «Ўзбекистоннинг маданий мероси – янги Ренессанс пойдевори» IV Халқаро конгресси бўлиб ўтди.



Кашқадарё  
вилояти

## Қалбларга илиқлик, хонадонларга нур



**Аёлини эъозлаган юрт гуллаб-яшнади. Ёшларнинг интилишини қўллаб-қувватлаган миллат тараққий этади. Юртимизда «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни шакллантириш орқали уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш бўйича кенг қамровли ҳаракатлар бошлангани ҳам бежиз эмас.**

Айни кунларда ишчи гуруҳ аъзолари Қашқадарё вилоятининг маҳалла ҳамда қишлоқлари оралиб, хонадонма-хонадон юриб, аҳолининг турмуш тарзи билан ақиндан танишяпти. Сўровномалар ўтказилиб, анкеталар тўлдирилмоқда.

– Вилоятда Қарши шаҳри ва Ғузор тумани намунали худудлар деб белгиланган эди, – дейди Энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя бўлими мудири, вилоят штаби аъзоси Ойбек Исмоилов. – Шунга кўра, Қарши шаҳри ва Ғузор туманида хатлов жараёнлари тугатилиб, «Аёллар даф-

тари» ҳамда «Ёшлар дафтари» шакллантирилди.

Қолган туманларда ҳам хатлов қизгин давом этаётир. Ҳозирга қадар вилоят бўйича 465211 та хонадон ўрганилди ва 456294 нафар аёл сўровнома тўлдирди. Муҳими, аёллар тўлдирган сўровнома асосида электрон база шакллантириляпти.

– Статистика бошқармасидан Шаҳрисабз шаҳрида ёши 31 ёшдан юқори бўлган 30242 нафар аёл яшаши ҳақида маълумот берилганди, – дейди Қашқадарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлими мудири, ишчи гуруҳи аъзоси Фахриддин Қамаров. – Ҳозиргача уларнинг 21938 нафари хатловдан ўтди. 783 нафар аёл ички миграцияда, 613 нафари эса ташқи миграцияда экани маълум бўлди.

Эндликда йиғилган маълумотлар асосида «Аёллар дафтари» шакллантирилади ва ҳудудий дастур ишлаб чиқилади. Унга кўра, иш топишга қийналаётган, уй-жойга муҳтожлиги бор, беморликдан азият чекаётган ёки тадбиркорлик фаолиятини бошлашда тўсиқларга дуч келаётганларнинг муаммоларига ечим топилади.

– Ишчи гуруҳи аъзолари нафақат хатлов жараёнини олиб боришяпти, балки аёлларга амалий ёрдам чоралари ҳам кўрилмақда, – дейди Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шодмон Кубаев. – Масалан, Косон тумани «Месит» маҳалласи ҳудудидаги аёлларнинг аҳоли билан танишиш асосида Гулчаман Нурматовнинг болаликдан ногиронлиги ҳақида хабар топди. Гулчаман доимий тиббий реабилитация воситасига ҳамда даволанишга муҳтожлиги қайд этилиб, «Аёллар дафтари»га рўйхатга олинди. Шу кунга қадар ишларнинг дебочаси сифатида унга ногиронлик аравачаси совға қилинди.



– Бугунги кунгача Косон туманидаги 68 та маҳалладан 21842 нафар аёл хатловдан ўтказилиб, шулардан 1090 нафари «Аёллар дафтари»га рўйхатга киритилди, – дейди Косон тумани ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Азиза Холмўминова. – Рўйхатга кирган 120 нафар хотин-қиз тикувчилик, яна шунча аёл маиший хизмат кўрсатиши (гўзаллик саломи, пазандчилик) йўналишида ишли бўлди. 120 нафар аёл эса гилам тўқишга ўқитилиб, ҳаётга бўлган рағбатини ошириш орқали касбга йўналтириш бўйича ташкилий ишлар амалга оширилди. 30 нафар тадбиркорлик истагини билдирган аёлга 637 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. 251 нафар аёлга эса имтиёзли кредит ажратиш, 302 нафарини ўзини-ўзи банд қилувчи сифатида рўйхатдан ўтказиш, 114 нафарига эса ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдамлар кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган олинди. 33 нафар хотин-қизни маъсумий жамоат ишига жалб этиш режалаштирилди.

– Хатлов жараёнлари Нишон туманида ҳам поёнига етай деб қолди, –

дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси, ишчи гуруҳи аъзоси Дилбар Тўхтаева. – Бу ишда бизга туман ҳокимлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари яқиндан кўмак беришяпти. Энг асосийси, аёллар ҳолидан мунтазам равишда хабар олинаётир. Хотин-қизларга, ёшларга юртимизда амалга татиб қилаётган «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари» ҳақида тўлиқроқ маълумот ва тушунчалар берганимизда, уларда умидбахш қарашлар пайдо бўлиб, эртанги кунга бўлган ишончи янада мустаҳкамлаганини кўрдик.

Қишнинг қиёровли кунларига қарамасдан бир кунда 3-4 минг хонадон хатловдан ўтказилляпти. Ишонимизки, саъй-ҳаракатлар бесамар кетмайди, кўплаб хонадонларга нур олиб киради, эҳтиёжманд фуқароларга фаровонлик калитини тутқазади.

Акмал АБДИЕВ,  
«ISHONCH»

Навоий  
вилояти

### Тадбир

**Навоий вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг VIII қурултойи мазмун-моҳияти, унда белгилаб берилган вазифаларни ишчи-ҳодимларга етказиш мақсадида ҳар бир бошланғич касба уюшма ташкилотига тарғибот тадбирлари ўтказмоқда.**

## Ҳар бир кунимизда янгиликни бор

Бирлашмада ўтган давра суҳбатида сўзга чиққан Федерация раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев касба уюшмалари энг халқчил ташкилотга айланиб бораётгани ва бу жараёнда барча фаолларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади. Меҳнат-қашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга бел боғлаган ташкилот сифатида майдонга чиққан касба уюшмалари зиммасига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ масъулият юкланаётгани ҳамда касба уюшмалари томонидан сўнгги беш йилда амалга оширилган ишлар алоҳида эътироф этилди.

Бундай тадбирлар Навоий шаҳридаги 3-мактаб, «Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ, вилоят «Дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти каби бир қатор корхона ва ташкилотларда намунали тарзда ташкил этилди.

Қурултой якунлари бўйича касба уюшмаларига аъзо 1 361 та корхона ва ташкилотда ҳам тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Нормурод МУСОМОВ,  
«ISHONCH»

\*\*\*

## Фаолиқ намунаси

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Хатирчи тумани кенгаши фаоллари тумандаги таълим муассасаларидаги ўй синфларда таҳсил олаётган ногирон ўқувчилар ҳолидан хабар олди ва уларга манзилли ёрдамлар кўрсатди.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Қизилтепа тумани кенгаши томонидан эса 36-маҳсул мактаб-интернатнинг 100 нафар ўқувчисига ўқув қуроллари олиб берилди.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши 23-35 ёшдаги хотин-қизлар ўртасида «Қувноқ старлар» мусобақаси ташкил этди. Тадбир якунида 13 та жоманнинг 78 нафар иштирокчиси касба уюшмасининг фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирланди.

Дилфрўз УРОВОВА,  
Навоий вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Сирдарё  
вилояти

### Саломатлик

## Барчамиз бир сафда

Сирдарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидаги бошланғич ташкилотлар томонидан ишловчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, унумдорлиқни ошириш мақсадида меҳнат жамоаларида жорий этилган ходимлар гимнастикасига қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Ходимлар гимнастикаси унча мураккаб бўлмаган жисмоний машқлардан иборат бўлиб, уни ҳар ким ишдан ажралмаган ҳолда, иш жойи ва иш кийимиде бажариши мумкинлиги билан аҳамиятлидир. «Sirdaryo IES» АЖ касба уюшмаси ташаббуси билан корхонада олиб борилаётган ишлар фикримизга мисол бўла олади. Бу ерда ҳодимлар ишга велосипедда келишади. Кўп ҳаракатланмиш, пиледа юришининг вужуд соғломлигига фойдаси аллақачон ўз тасдиғини топган.

Маълум сабабларга кўра, ўт-



казилиши биров мuddат тўхтаб турган анъанавий спорт тадбирлари карантин талаблари юмшатилиши билан спорт тадбирлари очик майдонларда старт олди. Таълим, маданият, давлат ва жамоат муассасалари, ишлаб чиқариш соҳа ходимлари ўртасида «Спорт-саломатлик кунини» «Спорт-саломатлик кунини» шиори остида мусобақалар ташкил этилмоқда. Айниқса, таълим ва фан ходимлари Мирзаобод, Сардоба, Боевут тумани ва Гулистон шаҳар кенгашлари умумтаълим мактаблари ходимлари иштирокидаги тадбирлар

чинакам спорт байрамига айланди. Эътиборлиси, ушбу беллашувларда иш берувчи раҳбар ходимлар ҳам фаол қатнашди. Ақлни пешлайдиган, чаққонликни ошириб, чарчоқларни ёздагидан баҳсларда шахсий намуна бўлиб бир сафда бўлишди. Бундай спорт тадбирларида аёллар ҳам фаол бўлаётир.

Қатнашчилар дипломи ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилмоқда.

Озода МАМАДАЛИЕВА,  
«ISHONCH»

### Анжуман

## Эр йигитнинг сўзи

**Мудофаа вазирлиги ёшларда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.**

Унда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 10 январь кунини белгилаб берган топшириқларига мувофиқ ҳудудлар бўйича «Аҳоли ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фуқаролик позициясини кучайтириш тизимини жорий этиш борасида комплекс чора-тадбирлар дастури» ишлаб чиқилгани, унга асосан Куролли Кучлар таркибий тузилмалари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда янгича ёндашув механизми яратилгани ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, Тошкент, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида ёшлар билан ишлашнинг ўзига хос тизими жорий этилди. Ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш ва уларни касб-ҳунарга йўналтириш, му-

сиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, ёшлар ва воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш каби йўналишлар бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунга қадар 9 мингдан зиёд умумтаълим мактаблари ҳарбий қисмларга бириктирилган. Профилактик ҳисобда турган ҳамда салбий иллатга мойил ёшлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларнинг фарзандлари учун «Эр йигитнинг эр йигитга айтган гапи таъсирли бўлади» ғояси остида 500 дан ортиқ ватанпарварлик тадбирлари ўтказилди.

Мўқаддас РАЗЗОҚОВА,  
«ISHONCH»

### Ишчи гуруҳ фаолияти

Андижон  
вилояти

**Халқда «Дард аригиси келса, табиб ўз оёғи билан келар», деган нақл бор. Бугун аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика миқёсида бошланган хайрли саъй-ҳаракатлар, таъбир жоиз бўлса, айнан шу нақлга ҳамоҳангдир.**

## Ариётган дард...

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда ҳамкор ташкилотлардан иборат ишчи гуруҳнинг Андижондаги фаолияти ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучук ташвишларини бошдан ўтказаяётган кўплаб опа-сингилларимизда умид уйғотгани рост. Давлат раҳбари ташаббуси билан юзага келган «Аёллар дафтари»га қайд этилган масалалар бўйича амалий ишлар аллақачон бошлаб юборилгани ҳам айни ҳақиқат.

Бўстон туманида 25 та маҳалла бор. Худудда 30 ёшдан ошган 14 минг 441 нафар аёл билан мулоқотлар ўтказилди, улар томонидан кун тартибига қўйилган катта-кичик масалалар ўранилиб, анкета-сўровномалар тўлдирди. Аён бўлдики, бугун аёлларда боқимандалик кайфияти йўқ. Бунинг акси ўлароқ, аксар опа-сингилларимиз он-у шуурида муносиб ишга жойлашиб, ҳалол меҳнат орқали даромад топиш, рўзғорга баҳоли қудрат кўмаклашиш, турмушини яхшилашга интилишдек мақсад муҳасам.

Шулар инобатга олиниб, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда халқ таълими бўлимлари билан биргаликда ҳудудлардаги мактабларда махсус хоналар ажратилиб, меҳнат оғаниларига мурожаат этаётган ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, қайтиб келаётган мигрантларни меҳнат бозорига, жумладан, касбга мослаштириш, иш берувчи билан суҳбатга тайёрлаш учун психолог мутахассислар жалб этилди. Натижада, аёлларда хоҳиш ва имкониятларнинг қай даражада уйғунлиги, хусусан, муайян касб ва ҳунарга лаёқати яққол кўзга ташланди ҳамда биринчи босқичда 194 нафари ўзларига мос муқим иш ўринларига жойлашдилар.

– Ҳар қандай масалада МФЙ фаоллари тўлдирган ҳисоботларга таяниб иш кўриш билан уйма-уй юриб мулоқотга киришиш ер билан осонча фарқи борлиги хатлов доирасида сезилди, – дейди туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари Феруза Рустамова. – Чунки хонадонларга кириб, хотин-қизлар билан бирма-бир гаплашганда, уларнинг кўн-

глидаги истакларини, дард-у ташвишини яхшироқ ҳис қиласиз. Кўз-кўзга тушган, илиқлик пайдо бўлади, оила бекаси сизга дардини борича тўкиб-сөлмаган тақдирда ҳам, муаммоларини, кўнглидан ўтаётган ўй-хаёлларини уқиб оласиз. Хатлов баҳона биз ҳам қадимимиз етмаган кўчаларга кириб бордик, муаммоларни теранроқ англадик, демакки, иш фаолиятимизга ёндашуви-ми ҳам ўзгарди.

– «Аёллар дафтари»ни юришти ҳаракатлари доирасида узоқ ва яқин даврга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилиб, ижроси назоратга олинди, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти бўйича меҳнат-техника инспектори Музаффар Азимхўжаев. – Масалан, турар-жойга эҳтиёжманд 60 нафар аёлни 2021-2024 йилларда уй-жой билан таъминлаш юзасидан манзилли дастур ишлаб чиқилиб, ижроси назоратга олинди. «Халқ банки»нинг туман бўлими тизимида эса хотин-қизлар бўйича ўринбосар лавозими жорий этилиб, аёлларга ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бизнес лойиҳалар тузишни ўргатиш, уларга кредитлар ажратишга кўмаклашиш сингари вазифалар бошлаб юборилди.

Албатта, ҳар қандай оила баъзан тушунмовчиликлар юзага келиб туради. Вазият таранглаган паллада тури кўнглисизликлар келиб чиқмаслиги эса кўп жиҳатдан аёлларнинг ўз руҳий мувозанатини қай даражада бошқара олишига боғлиқ. Шу маънода аёлни кунларда маҳалла фуқаролари йиғинлари раисларининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари ва мутахассисларнинг психолог қилишларини ошириш бўйича қисма мuddатли ўқув курсларини ташкил этиш, мазкур жараёнга малакали психолог олимларни жалб қилишга таъйирилик кўриляпти. Зеро, қийин вазиятга тушиб қолган аёлларни етук мутахассисгина тўғри йўлга бошлай олади. Хулоса шуки, Бўстонда «Аёллар дафтари»дан кўзланган катта натижаларнинг илк мевалари нишонга бермоқда.

Нурилло  
НУЪМОМОВ,  
«ISHONCH»



### Миннатдорлик

**Қум барханлари оралиб текис йўллар орқали Хоразм заминига етиб келган автобус бизни «Хоразм палас» меҳмонхонаси ёнида қолдирди. Меҳмонхона ходимларининг илиқ муносабатини кўриб, йўл чарчоқлари ҳам тезда тарқала бошлади. Касба уюшмаси томонидан юборилган эллик нафардан ортиқ ишчи, хизматчи ва ўқитувчилар жамоасини хоразмлик мезбонлар ҳурмат ва эътибор билан кўтиб олишди.**

## Мозийга саёҳат...

Улуғ аждодимиз Жалолиддин Мангубердиннинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарилган боис бу элпарвар, мард ва жасур алп ўғлон ҳайкалини бориб кўриш орзусида эдим. Саёҳатимизнинг биринчи кунини биз ҳайкал пойига гулдасталар қўйишга муяссар бўлдик. Иккинчи кун эса

тарихий обиде ва миноралар қуршовида қад ростлаган Ичан Қальани кўриш ҳам насиб этди. Йўлбошловчининг қалъа ҳақидаги маълумотларини тинглаб, мозийга саёҳат қилгандек бўлдик. Калта минор ҳақидаги ривоятлар ҳам жуда таъсирли экан.

Икки кунлик сафа-

римиз давомида жуда кўп таассуротлар билан уйимизга, ишимизга қайтдик. Бизга қурсатилган бундай эътибор, эъзоз ва эҳтиром учун касба уюшмасига миннатдорлик билдираимиз.

Нигора ҲАЁТОВА,  
Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси









## ИШЛАТИЛМАЙДИГАН ЧОПҚИ

Холли бобо Жўраев 90 йил умр кўрди. Қишлоқда ҳамма у кишини уста бобо, дерди. Истараси иссиқ, қорамғиз, зуваласи пишиқ Холли бобо чинакамига қўли гул уста эди. Темирга жон, ёғочга зеб берарди. Уста Холли қишлоқ одамларининг ҳолатини чиқарарди. У киши бел, кетмон, чопқи, миҳ қозиқ, капгир, чўмич каби анжомларга қайтадан «жон» киритарди. У дурадгорлик борасида ҳам тенги йўқ уста эди. Холли бобо ясаган эшик, ромлар пишиқ ва бежиримлиги билан ажралиб турарди. Мен гоҳ аррани ўткирлатиш, гоҳ ўроқни чархлатиш учун устанинг хузурига бориб турардим. Бир куни уста менга юпка металлдан ясалган ёғоч дастали чопқи совға қилди.

Хозир шу чопқини ишлатишнинг ўрнига уни сандиққа солиб қўйибман. Хар гал сандиқни очганимда чопқини кўриб, хунарманд, қўли гул, ҳазрати инсон кўз олдимга келади.

Худойберди НАЗАРОВ,  
меҳнат фахрийси

Қариш тумани

## Инсон ва табиат ҚИШ КУНИ ЭДИ...



Ибод аканинг уйи шундоқгина тоғ ён бағрида жойлашган. Какликларнинг сайраши, архарлар шоҳлашгани шовқин эшитилиб туради. Бу ерларда тўқсон кун қор туради. Қишнинг изгиринли кунларида озуқа тополмаган жониворлар бемалол қишлоқ яқинига энишади. Урганиб қолишган, зиён етказадиган одам йўқ...

Яхмалақда тоймайдиган этигини тиззасига тортди, қалин кийиниб олган чолни кампири саволга тутди:

— Ҳа, каллаи саҳарлаб, йўл бўлсин?  
Чол кампирига маъноли қаради:  
— Кўнглим тинчмаяпти. Қушларга дон, ҳайвонларга хашак бериб келмасам бўлмайди. Анчадан бери ердан қор кетмапти.

Чол бедадан кўтарганича олди, халтачага солинган буғдой чиқиндиларини ортмоқлади, дадил қадамлар ташлаб, тоғлар бағрига сингиб кетди. Кунгай жойларда очилиб қолган жойларга дон сепди, беданинг боғини ечиб, ёйиб қўйди...

Ибод ака уйига қайтаркан, какликларнинг завқ билан сайраган овозини эшитди, архар жуфтини эргаштириб ўтиб кетди.

Чолнинг кўнгли жойига тушиб, юзига ним табассум ёйилди...

Пардабой ТОЖИБОВЕВ

## Во ажаб... «АДОЛАТ» МЕЗОНИ



Дунё тан олган адиблардан бири Чингиз Айтматов қозоқ шоири Мухтор Шохонов билан суҳбатда («Аср охиридаги истиффор») Люксембургда элчи бўлиб фаолият кўрсатганида ўзи гувоҳ бўлган бир воқеани эслади.

Люксембургда суд бири кишини жиноятчи деб топди, озодликдан маҳрум қилади. Жиноятчи суд қарорини олиб, оиласи билан хайрлашиб, қамоқхонага келади. Қамоқхона бошлиғи «Хозир жой йўқ, бир ойдан кейин келинг» деб жиноятчини уйига қайтарди. Бир ойдан кейин айтилган кун келади, аммо жой бўшамаган бўлади. Бу ҳолат уч ойда уч маротаба такрорланади. Охири чорасиз қолган жиноятчи: «Менга қамоқдан жой тегадими ёки йўқми, қанча вақтим бекор кетди, бу қандай адолатсизлик!» деб газетга шикоят қилади.


Бундан хабар топган кенг жамоатчилик: «Инсон ҳуқуқи поймол бўлмоқда, қамоқхона бошлиғини ишдан олиш керак» деб шовқин кўтарди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида юз берган ушбу ҳодиса ривожланган давлатлар учун оддий ҳол бўлса, бизнинг жамият учун ҳалигача кулгили туюлиши мумкин.


Есимхон ҚАНОАТОВ,  
«ISHONCH»

# «Лувр»ни ҳайратлантирган санъат ва рассом сийрати

Борлиқни расмда жонли, табиий акс эттира олиш учун инсонга синчков нигоҳ, сеҳрли қўллар ва табиат шивирини ҳамда жарангини эшитишга қодир юрак керак бўлади. Таъниқли рассом, истеъдодли рангасвир устаси Исфаидиёр Ҳайдаров ҳам ана шундай ҳассос қалб соҳибларидан. Унинг асарларига нафақат юртимизда, балки кўплаб мамлакатларда юксак баҳо берилгани ҳам бежиз эмас.



— Исфаидиёр Ҳайдаров барча йўналишлар ҳадисини олган истеъдодли рассом. Айниқса, рассом ижодига табиат манзаралари орқали маънавий ҳаётни акс эттириш, шунингдек, портрет жанри етакчилик қилади, — дейди санъатшунос Нилуфар Султонова. — Бугунги кўргазмада рассомнинг 65 та асари намойиш этилмоқда. Уларда жонажон ўлкамининг турли гўшалари, қишлоқлари, тарихий обидалари ўз ифодасини топади. Шунингдек, асарлар орасида энг бетакрор ишланмалардан бири «Ерқин куз» ва рассом номини жаҳонга машҳур қилган табиат манзараси — «Баҳамалда тўлин ой» асари ҳам ўрин олган. Ҳозирдаги расмда яна шунини кўшимча қилиш мумкинки, у 13 йил Туркияда яшаб ижод қилган. 25 марта шахсий кўргазмаси намойиш этилган. Бугунги намойишда Туркияда яратилган портрет жанридаги асарларни ҳам кўриш мумкин.



Зебо НАМОЗОВА,  
«ISHONCH»

## «ZAMIN AVTO SPEKTOR» МЧЖ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ аукцион савдосига «Жиззахдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг 10.12.2020 йилдаги бюртманомасига асосан, Жиззах шаҳри, Чўл кўчаси, 10-уй манзилида сақланаётган қўйидаги махсус техникалар такроран қўйилмоқда:

1. «Кейсс» русумли, 2010 й. и.ч. д.б 25 AA 485, бошланғич баҳоси — 217 714 000 сўм бўлган транспорт воситаси;
2. «Доминатор Класс» русумли, 2015 й. и.ч. д.б 506 BA 25, бошланғич баҳоси — 189 892 000 сўм бўлган транспорт воситаси;
3. «Доминатор Класс» 2015 й. и.ч. д.б 507 BA 25, бошланғич баҳоси — 253 199 000 сўм бўлган транспорт воситаси;
4. «Доминатор Класс» 2015 й. и.ч. д.б 504 BA 25, бошланғич баҳоси — 237 246 000 сўм бўлган транспорт воситаси;
5. «Доминатор Класс» 2015 й. и.ч. д.б 503 BA 25, бошланғич баҳоси — 232 235 000 сўм бўлган транспорт воситаси;
6. «Доминатор Класс» 2015 й. и.ч. д.б 502 BA 25, бошланғич баҳоси — 237 365 000 сўм бўлган транспорт воситаси.

Очиқ аукцион савдолар 2020 йил 30 декабрь куни соат 10:00да Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 14-уйда бўлиб ўтади.

Агарда ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йил 8-, 15-, 22-, 29 январь, 5-, 12-, 19-, 26 февраль кунлари бўлиб ўтади.

Мазкур мулклар билан сотувчининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Савдо ғолибига 10 (банк) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача (соат 13:00-14:00гача тушлик) қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

**Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади:**

- савдо ташкилотчиси билан тузилган «закалат тўғрисидаги келишув»га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси;
  - ариза;
  - вакиллар учун ишончнома.
- Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ва қўшимча кўрсатилган хизматлар учун тўловни «ZAMIN AVTO SPEKTOR» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: АТИБ «Ипотекабанк»нинг Кўксарой филиали, х/р: 20208000900724516001, МФО:00262, СТИР:304619063) тўлашлари шарт.
- Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 14-уй. Тел.: (93) 304-43-95.

Гувоҳнома: 3029

## «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига «Ishtihon Agroservis MTP ISM» МЧЖнинг 11.12.2020 йилдаги бюртманомасига асосан, жамият балансидаги Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Иштихон кўчаси манзилида жойлашган, умумий ер майдони 6,71 га, жами қурилиш ости майдони 8421,40 кв.м. бўлган МТП бино ва иншоотларининг бир қисми, яъни ер майдони 0,61 га, қурилиш ости майдони 1927,31 кв.м. бўлган бино-иншоотлар (0004-литер «Ҳайдов тракторлари цехи», 0005-литер «Ҳайдов тракторлари цехи», 0006-литер «Ердэмчи бино», 0007-литер «Ердэмчи бино», 0008-литер «Қозонхона», 0009-литер «Қозонхона») кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 1 211 594 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2021 йил 15 январь куни соат 14:00да Иштихон шаҳри, Иштихон кўчаси, 84-уйда бўлиб ўтади.

Мазкур объектлар шу кунги сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2021 йилнинг 1-, 15 февраль кунлари соат 14:00да бўлиб ўтади ва савдолар учун бюртманомалар қабул қилиш

савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истатини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENTREALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиали, х/р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808) тўлашлари лозим.

Харидорга (аукцион ғолиби) 10 кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш ва кўрсатилган ризолорлик хазматлари учун тўловни тўлаш мажбурияти юкланади. Шунингдек, Ризолорлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС) га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорига ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузилади.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни топшириши керак:**

- юридик шахслар учун

## Тарбия



«Нима эксанг, шуни ўрасан» дейди доно халқимиз. Биз бола тарбиясида миллий, шарқона урф-одат ва анъаналаримиз, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган бой маънавий қадриятларга таянишимиз керак.

Тарбияни бериш эмас, тарбияни кўрсатиш керак, дейди улуғлар. Бунинг учун ота-оналарнинг ўзлари тарбияланган бўлиши лозим. Ота ўғлига ёки қизига: «Китоб ўқи» деса-да, ўзи китоб ўқимаса, «Шеър ёдла» деса-да, ўз бир сатр ҳам шеърни ёд билмаса, «Томорқада ерни ағдар» деса-да, ўзи кўлига бел ушла-маса, ота ибрати қаёқда қолади! Бўри ҳам болаларини овга бирга олиб чиқади. Биз ҳам фарзандларимизга ибрат, намуна бўлишимиз керак.

Келажакимиз ёшлар қўлида. Ёшлар кимнинг қўлида? Ёшлар тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигига кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Оила, мактаб ёки жамоатчилик алоҳида бирон-бир натижага эришиши мушкул. Фақат ҳамкорликда, ижтимоий шерикчиликда кутилган бирор натижага эришиши мумкин.

Эсон МАРДОН,  
фахрий ўқитувчи

## Эълонлар

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига «Ishtihon Agroservis MTP ISM» МЧЖнинг 11.12.2020 йилдаги бюртманомасига асосан, жамият балансидаги Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Иштихон кўчаси манзилида жойлашган, умумий ер майдони 6,71 га, жами қурилиш ости майдони 8421,40 кв.м. бўлган МТП бино ва иншоотларининг бир қисми, яъни ер майдони 0,61 га, қурилиш ости майдони 1927,31 кв.м. бўлган бино-иншоотлар (0004-литер «Ҳайдов тракторлари цехи», 0005-литер «Ҳайдов тракторлари цехи», 0006-литер «Ердэмчи бино», 0007-литер «Ердэмчи бино», 0008-литер «Қозонхона», 0009-литер «Қозонхона») кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 1 211 594 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2021 йил 15 январь куни соат 14:00да Иштихон шаҳри, Иштихон кўчаси, 84-уйда бўлиб ўтади.

Мазкур объектлар шу кунги сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2021 йилнинг 1-, 15 февраль кунлари соат 14:00да бўлиб ўтади ва савдолар учун бюртманомалар қабул қилиш

савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истатини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENTREALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиали, х/р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808) тўлашлари лозим.

Харидорга (аукцион ғолиби) 10 кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш ва кўрсатилган ризолорлик хазматлари учун тўловни тўлаш мажбурияти юкланади. Шунингдек, Ризолорлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС) га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорига ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузилади.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни топшириши керак:**

- юридик шахслар учун

Лицензия RR — №9008

## МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси),
- Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
- Анвар АБДУМУХТОРОВ,
- Сайфулло АҲМЕДОВ,
- Акмал САИДОВ,
- Равшан БЕДИЛОВ,
- Қутлимурот СОБИРОВ,
- Сухроб РАФИҚОВ,
- Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
- Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
- Ноҳира КАРИМОВА,
- Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
- (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
- Темур МАМАЖОНОВ,
- (Бош муҳаррир ўринбосари — «Ishonch-Доверие» бўлиши),
- Меҳридин ШУКУРОВ,
- (Маъсуля котиб — «Ishonch»),
- Валентина МАРЦЕНЯК
- (Маъсуля котиб — «Ishonch-Доверие»)

## Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

- Бўлимлар:**
- Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
- Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт — (71) 256-52-89
- Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
- Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
- Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Ҳудудлардаги муҳбирлар:**
- Қорақалпоғистон
- Республикаси — (+998-99) 889-90-22
- Андижон вилояти — (+998-99) 889-90-23
- Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
- Жиззах вилояти — (+998-99) 889-90-34
- Наманган вилояти — (+998-99) 889-98-02
- Навоий вилояти — (+998-99) 889-90-28
- Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
- Самарқанд вилояти — (+998-99) 889-90-26
- Сирдарё вилояти — (+998-99) 889-98-55
- Сурхондарё вилояти — (+998-99) 889-90-32
- Фарғона вилояти — (+998-99) 889-90-24
- Хоразм вилояти — (+998-99) 889-98-01
- Қашқадарё вилояти — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

## Навбатчи муҳаррир: А. Абдураҳмонов

**Мусаҳҳишлар:**  
С. Шодиева,  
З. Холмухаммедова,  
Д. Орипов

**Саҳифаловчи:**  
Ҳ. Абдужалолов

Босишга топшириш вақти — 22:00  
Топшириш — 22:20

Газета ёқилган ҳолатда, А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Бюджетга Г — 1217.  
27684 нусхада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

## Баҳоси келишилган нархда

**Манзилимиз:**  
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
**Корхона манзили:**  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ispoteka bank»  
Яшнобод филиали,  
банк номи: 00959,  
СТИР: 201133889,  
ОКЭД: 58130

Янги йўл туманидаги Гулбақор санъат касб-хўнара коллежи томонидан 2017 йилда Маҳмаджон Нодирбеков Анвар ўғли номига «Автомобиль йўллари ва аэродорлар» йўналиши бўйича берилган К № 4864183 рақамли диплом йўқолгани маълум қилинади.

Самарқанд вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси бирлашма раиси Сухроб Рафиқовга укаси **Абдуманнон РАФИҚОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси бирлашма тасарруфдаги «Зиё чашмалари» оромгоҳи директори **Собир МҶМИНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.